



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI DAVLAT AKTIVLARINI  
BOSHQARISH AGENTLIGI  
B U Y R U Q**

2021 yil "02" 06

№ 182-УТ

Toshkent sh.

**Агентлик тизимида Гендер тенглигини таъминлашга қаратилган  
чора-тадбирларни амалга ошириш ва Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги СҚ-297-IV-сон  
қарори ижросини таъминлаш тўғрисида**

Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб юритилади) Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгаши фаолиятини ташкил қилиш ҳамда 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясига амал қилиш орқали гендер тенглигига эришилишини таъминлаш мақсадида,

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиянинг 2020 йил 24 мартдаги 01-25/540-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 20 апрелдаги 07/2-107-сонли топшириқлари, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги "2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини тасдиқлаш ҳақида"ги СҚ-297-IV-сон қарори раҳбарлик ва ижросини сўзсиз таъминлаш учун қабул қилинсин.

**2. Қуйидагилар:**

Агентликнинг Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат-кенгашини шахсий таркиби ва унинг иш тартиби 1 ва 2-иловаларга;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигида "2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури" ижросини таъминлаш юзасидан назорат режаси 3-иловага;

Агентлик бошланғич хотин-қизлар ташкилотининг 2021 йилнинг 2-ярмига мўлжалланган иш режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Агентлик бошланғич хотин-қизлар ташкилоти (Салоҳиддинова), Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгаши (Набиев), Агентлик касаба уюшмаси кўмитаси (Валижанов) Юридик бошқарма (Ғазиев) ва Инсон ресурслари ва ходимлар салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси (Абдуҳоликов) билан биргаликда тизимда “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури” ижросини сўзсиз ва сифатли бажарилишини таъминласин.

4. Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлари раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган ташкилотларда Гендер тенглигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳамда мазкур буйруқ ижросининг сўзсиз таъминланишига шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

5. Ташкилий ва ижро интизоми назорати бошқармаси (Ражабов) ушбу буйруқ нусхаларини марказий аппаратнинг тегишли таркибий бўлинмалари, ҳудудий бошқармалар ва идоравий мансуб ташкилотларга етказилишини таъминласин.

6. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилиш директор ўринбосари вазифасини бажарувчиси Т.Н.Набиев зиммасига юклатилсин.

Директор

  
А.Ортиков

**Агентликнинг Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда  
имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича  
Маслаҳат-кенгашининг шахсий ТАРКИБИ**

- |    |                        |  |                                      |
|----|------------------------|--|--------------------------------------|
| 1. | <b>Т.Набиев</b>        | - Директор ўринбосари в.б.                 | - Маслаҳат-кенгаши раиси;            |
| 2. | <b>Н.Салохитдинова</b> | - Бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раҳбари | - Маслаҳат-кенгаши раиси ўринбосари. |

**Маслаҳат-кенгаши аъзолари:**

- |    |                      |   |  |
|----|----------------------|---|--|
| 3. | <b>З.Ҳакимов</b>     | - Методология, ҳудудлар ва таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш йиғма ахборот-таҳлил департаменти бошлиғи |  |
| 4. | <b>Қ.Абдуҳолиқов</b> | - Инсон ресурслари ва ходимлар салоҳиятини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи;  |  |
| 5. | <b>У.Ғазиев</b>      | - Юридик бошқарма бошлиғи;  |  |
| 6. | <b>Ж.Валижонов</b>   | - Касаба уюшмаси қўмитаси раиси;  |  |
| 7. | <b>К.Шаригатова</b>  | - Давлат активларининг реестрини юритиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари;  |  |
| 8. | <b>Д.Ямбаева</b>     | - Кичик мутахассис;   |  |
| 9. | <b>Д.Султанова</b>   | - Касаба уюшмаси аъзоси – Маслаҳат кенгаши котиби.  |  |

*Изоҳ: Кенгаш аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Кенгаш таркибига уларнинг ўрнига янгидан тайинланган шахслар киритилади.*



## Агентликнинг Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат-кенгашининг ИШ ТАРТИБИ

### I. Маслаҳат кенгашининг мақсад ва вазифалари

1. Маслаҳат-кенгаши ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кафолатлаш тўғрисида"ги, "Хотин-қизларни тазъийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси иштирокчи билган гендер тенглик ва оила масалалари бўйича халқаро шартномалар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ушбу тартиб асосида амалга оширади.

2. Маслаҳат-кенгаши қонунийлик, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жинси бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида фаолият юритади.

3. Маслаҳат-кенгаши Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг устувор йўналишлари ва тавсияларига амал қилган ҳолда Агентликда қуйидаги ишларни амалга оширади:

- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасидаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни амалга ошириш юзасидан ўз таклифларини беради;

- юридик хизмат томонидан қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларни гендер тенгликни таъминлаш мақсадида ҳуқуқий (гендер-ҳуқуқий) экспертизадан ўтказишда бевосита иштирок этади;

- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аёлларга берилган имтиёзларнинг яратилганлик ҳолатини ўрганadi ва унинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлайди;

- ички идоравий ҳужжатларни таҳлил қилиш орқали аниқланган гендер тенгсизликни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва юридик хизматга такдим этади

- фаолият жараёнини мониторинг қилади, баҳолайди ва аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқади ва раҳбариятга такдим этади;

- хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар яратилишини таъминлайди;

- ишга кириш мақсадида мурожаат қилган номзодлар билан ўтказиладиган суҳбат ёки бошқа жараёнларда, иш берувчи томонидан вазифа ва лавозимларга тайинлашда ҳамда кадрлар захирасини шакллантиришда гендер тенгликни таъминлайди;

- раҳбарлик лавозимларига иқтидорли, талабчан ва масъулиятли аёллар номзодларини тавсия қилинишини таъминлайди;

- ходимларнинг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларнинг бузилишига доир мурожаатларини кўриб чиқади;



- ходимларни иш жойидаги зўравонликка бархам беришга қаратилган фаолиятни олиб боради ва бундай ҳолатларни олдининг олиш чораларини кўради;
- давлат мукофотлари ва кўкрак нишонларига тавсия қилиш ҳамда рағбатлантиришда гендер тенгликни таъминлайди;
- хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ўқитишни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;
- меҳнат жамоасида касбий йўналишда тенг имкониятлар яратилиши, айниқса аёллар ва қизларни доимий равишда бепул тиббий кўриқдан ўтказиш юзасидан раҳбариятга таклифлар киритади;
- бир хил лавозимларда ишлаётган хотин-қизлар ва эркекларга ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа тўловлар тенг тўланишини мониторинг қилади;
- гендер тенгликни таъминлаш маданиятини шакллантириш мақсадида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боради;
- бошқа ташкилотлар билан гендер тенгликни таъминлаш бўйича ҳамкорлик қилади.

4. Маслаҳат-кенгаши хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш мақсадида асосий фаолият йўналишлари сифатида қонунда тақиқланмаган бошқа чора-тадбирларни белгилаши ҳамда амалга ошириши мумкин.

## **II. Маслаҳат-кенгаш таркиби ва унинг иш тартиби**

5. Маслаҳат-кенгаш таркиби раис, раис ўринбосари, котиб ва олтига аъзосидан иборат. Маслаҳат-кенгашнинг шахсий таркиби Агентлик директорининг буйруғи билан тасдиқланади. Агентлик директорининг ўринбосари кенгаш раиси ҳисобланади (лавозим бўйича).

6. Маслаҳат-кенгаши раиси Кенгаш мажлисларини юритади, баённомаларни ва маслаҳат-кенгашининг бошқа ҳужжатларини имзолайди. Кенгаш қарорларининг бажарилиши бўйича умумий назоратни амалга оширади. Кенгаш томонидан амалга ошириладиган фаолият учун жавобгар ҳисобланади.

7. Маслаҳат-кенгаши котиби Кенгаш мажлисининг кун тартиби лойиҳасини тайёрлайди, Кенгаш аъзолари фаолиятини мувофиқлаштиради.

8. Маслаҳат-кенгаши аъзолари маслаҳат-кенгаши мажлисларида шахсан иштирок этади.

9. Маслаҳат-кенгаши қонунийлик, хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жинси бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги, очиклик ва шаффофлик принциплари асосида фаолият юритади.

10. Маслаҳат-кенгаши аъзоларининг йиғилиши раиснинг ташаббуси билан ёки Кенгаш аъзоларининг камида учдан бир қисминини таклифига кўра чақирилади, Кенгаш йиғилиши ҳар чоракда камида бир маротаба ўтказилади.

11. Маслаҳат-кенгаши аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок эштирок этса, унинг йиғилиши ваколатли ҳисобланади. Маслаҳат-Кенгаши йиғилишига унинг аъзоларидан ташқари, ташкилот ходимлари, оммавий ахборот воситалари, мутахассис ёки экспертлар ва бошқалар таклиф қилиниши мумкин.

12. Маслаҳат-кенгаши йиғилиши баённомаси котиб томонидан юритилади. Мазкур баённомада Кенгаш йиғилишида кўриб чиқилаётган масалалар тўлиқ баён этилади.

13. Маслахат-кенгаши йиғилишларида кўриб чиқилган масалалар натижаси юзасидан қарор қабул қилинади. (қарорлар кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлиб қолган тақдирда маслахат-кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Кенгаш баённомаси котиб томонидан имзоланиб, Кенгаш раиси томонидан тасдиқланади.

14. Маслахат-кенгашининг қарорлари ташкилот раҳбариятига кўриб чиқиш учун киритилади.

15. Агентлик раҳбари ва маслахат-кенгаши хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш борасида амалга оширган ишлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссияси сўровига асосан тақдим этади.



Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигида “2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ДАСТУРИ ижросини таъминлаш юзасидан назорат режаси

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
1.	Иқтидорли ёш хотин-қизларни аниқлаш, уларнинг қобилиятларини тўғри йўналтириш ва раҳбарлик лавозимларига тайёрлашни тизимлаштириш, яқин келажакка мўлжалланган стратегик вазифаларни белгилаш	Иқтидорли қизларни аниқлаш ва уларни раҳбарлик лавозимларига кадрлар захирасига киритиш ишларини тизимлаштириш; иқтидорли қизлар билан алоҳида ишлаш, уларни рағбатлантириб бориш; бундай хотин-қизларнинг сиёсий малакасини оширишга, уларни раҳбарлик лавозимларига тайёрлашга қаратилган тизимли ўқишларни ташкил этиш.	2021 йил сентябрь	Инсон ресурслари ва ходимлар салоҳиятини ошириш бошқармаси (К.Абдухоликов), Агентликнинг бошланғич хотин-қизлар ташкилоти (Н.Салоҳитдинова), Юридик бошқарма (У.Ғазиев), Идоравий мансуб ташкилотлар ва худудий бошқармалар раҳбарлари
2.	Хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш.	Хотин-қизларнинг ҳуқуқий ва маданиятини оширишга қаратилган сиёсий-ҳуқуқий ўқувларни доимий равишда ташкил этиш механизmlарини жорий этиш.	2021 йил август	Инсон ресурслари ва ходимлар салоҳиятини ошириш бошқармаси (К.Абдухоликов), Агентликнинг бошланғич хотин-қизлар ташкилоти (Н.Салоҳитдинова), Юридик бошқарма (У.Ғазиев),

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
3.	Агентлик тизимида хотин-қизларнинг кадрлар захирасини шакллантириш.	<p>1. Агентликнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатиб келаётган лидерлик хусусиятига эга бўлган, ташаббускор, иқтидорли хотин-қизлар рўйхатининг электрон базасини шакллантириш.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академиясини тамомлаган аёл кадрлар захирасига киритиш учун номзодларни тақдим этиш.</p> <p>3. Раҳбар кадрлар захирасига киритилган иқтидорли хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотларни Давлат статистика кўмитасига ва унинг худудий бошқармаларига тақдим этиб бориш.</p>	<p>2021 йил июль</p> <p>2021 йил август</p> <p>2021 йил август</p>	<p>Идоравий мансуб ташкилотлар ва худудий бошқармалар раҳбарлари</p> <p>Инсон ресурслари ва ходимлар салоҳиятини ошириш бошқармаси (К. Абдухоликов), Агентликнинг бошланғич хотин-қизлар ташкилоти (Н. Салохитдинова), Методология, худудлар ва таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш йнғма ахборот-таҳлил департаменти (З. Ҳакимов), Идоравий мансуб ташкилотлар ва худудий бошқармалар раҳбарлари</p>
4.	Иқтидорли ёш хотин-қизларни хорийда чет тиллари курсларида ўқишларини таъминлаш, уларни юқори нуфузли идораларда стажировка ўташларига кўмаклашиш.	<p>1. “Эл юрт умил” фонди томонидан эълон қилинган грантларга номзодлар тақлиф этиш.</p> <p>2. Худудларда фаолият кўрсатаётган иқтидорли хотин-қизларни Агентлик марказий аппаратида стажировкасини ташкил этиш.</p>	<p>2021 йил июль ойидан бошлаб доимий</p>	<p>Инсон ресурслари ва ходимлар салоҳиятини ошириш бошқармаси (К. Абдухоликов), Агентликнинг бошланғич хотин-қизлар ташкилоти (Н. Салохитдинова), Идоравий мансуб</p>



Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
5.	Гендер тенглик соҳасидаги статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш.	<p>1. Гендер статистикасига оид маълумотларни доимий равишда очиқлаш, ОАВларда ёритиш, статистик кўрсаткичларнинг манбалари ва методологиялари шаффофлигини таъминлаш.</p> <p>2. Гендер масалаларига оид халқаро рейтинг ва индексларни юритувчи ташкилотларни миллий гендер статистикаси билан доимий таъминлаб боришни йўлга қўйиш.</p>	2021-2022 йиллар	<p>ташкилотлар ва ҳудудий бошқармалар раҳбарлари</p> <p>Агентликнинг бошланғич хотин-қизлар ташкилоти (<i>Н.Салоҳитдинова</i>),</p> <p>Методология, ҳудудлар ва таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштириш йиғма ахборот-таҳлил департаменти (<i>З.Ҳакимов</i>)</p> <p>Инсон ресурслари ва ходимлар салоҳиятини ошириш бошқармаси (<i>К.Абдуҳолиқов</i>)</p>
6.	Соҳаларида фаолият олиб бораётган фаол хотин-қизларнинг касбий ва интеллеktуал салоҳиятини ошириш, уларни раҳбарликка тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентга ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида махсус ташкил этилган ўқув курсларида ўқитиш	Агентлик ва унинг ҳудудий бошқармаларидан танлаб олинган ҳамда захирага киритилган хотин-қизлар номзодини Давлат бошқаруви академиясида тизимли равишда ташкил этилган ўқув курсларига тавсия этиш.	2021 йил сентябрь ойдан бошлаб	<p>Агентликнинг Инсон ресурслари ва ходимлар салоҳиятини ошириш бошқармаси (<i>К.Абдуҳолиқов</i>),</p> <p>Агентликнинг бошланғич хотин-қизлар ташкилоти (<i>Н.Салоҳитдинова</i>),</p> <p>Идоравий мансуб ташкилотлар ва ҳудудий бошқармалар раҳбарлари</p>

Т/р	Амалга ошириладиган тадбирлар	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъул ижрочилар
7.	<p>Хотин-қизлар ва эркакларнинг жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишларнинг олдини олишда ташкилот ва Касаба уюшмаси ва Бошланғич хотин-қизлар ташкилоти ўртасидаги ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш.</p>	<p>Касаба уюшмаси ва Бошланғич хотин-қизлар ташкилотининг мазкур йўналишдаги фаолиятини самарали ташкил этиш.</p> <p>Мазкур йўналишда жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш.</p>	2021-2022 йиллар	<p>Агентликнинг бошланғич хотин-қизлар ташкилоти (Н.Салохитдинова),</p> <p>Агентлик Касаба уюшмаси (Ж.Валижанов),</p> <p>Инсон ресурслари ва ходимлар салоҳиятини ошириш бошқармаси (К.Абдухаликов),</p> <p>Идоравий мансуб ташкилотлар ва худудий бошқармалар раҳбарлари</p>
8.	<p>Тизимда гендер тенгликнинг таъминланиши, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг натижадорлигини баҳолашга қаратилган туркум ижтимоий сўровларни ўтказиш.</p>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашда давлаг органларининг роли ҳақида”.</li> <li>2. “Гендер тенглик: хотин-қизлар ва эркакларни қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар натижадорлигини баҳолаш”.</li> <li>3. “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларнинг кафолатлари тўғрисида”ги мавзуларида ижтимоий сўровларни ўтказиш.</li> </ol>	2021-2022 йиллар	<p>Агентликнинг бошланғич хотин-қизлар ташкилоти (Н.Салохитдинова),</p> <p>Агентлик Касаба уюшмаси (Ж.Валижанов),</p> <p>Инсон ресурслари ва ходимлар салоҳиятини ошириш бошқармаси (К.Абдухаликов),</p> <p>Ахборот хизмати (М.Ибодов),</p> <p>Идоравий мансуб ташкилотлар ва худудий бошқармалар раҳбарлари</p>

(Қудратилло) (Тоқиб) (Саломатилло) (Шерифов) (Халилов) (Қарқов)

(Болтаев) (Валижанов) (Ибрагимов) (Масъудов)

(Қудратилло) (Тоқиб) (Саломатилло) (Шерифов) (Халилов) (Қарқов)



Давлат активларини бошқариш  
агентлигининг  
2021 йил 2 июндаги  
182 шт-сон буйруғига 4-илова

**Давлат активларини бошқариш агентлиги бошланғич хотин-қизлар ташкилоти томонидан  
2021 йилнинг 2-ярим йиллигида амалга ошириладиган тадбирлар бўйича  
ИШ РЕЖА**




№	Ўтказиладиган тадбир мазмуни	Амалга ошириш (ташқил этиш) механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
<b>Давлат активларини бошқариш агентлиги хотин-қизлар ташкилотининг 2020 йилги устувор йўналишлари</b>				
1.	Агентликда фаолият кўрсатаётган хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш.	Хотин-қизларни мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш масадида маданий маърифий тадбирларни ташқил этиш.	2021 йил июль-декабрь	Н.Салоҳитдинова Бошланғич ташкилот ишчи гуруҳи
2.	Агентликда фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга мухтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш.	Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, оиладаги маънавий-ахлоқий кадриятларни мустаҳкамлашга оид бошқа масалалар бўйича суҳбатлар ва амалий ёрдамни (хар ойда) ташқил этиш.	2021 йил июль-декабрь	Н.Салоҳитдинова Бошланғич ташкилот ишчи гуруҳи Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат-кенгаши

№	Ўтказиладиган тадбир мазмуни	Амалга ошириш (ташкил этиш) механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
3.	Агентликда фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг яшаш ва меҳнат шaroитларини яхшилаш учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.	Тегишли шарт-шaroитларни яратиш (ўрнатилган тартибда моддий кўрсатиш ва иш жойларини барча зарур анжомлар билан таъминлаш).	2021 йил июль-декабрь	Н.Салоҳитдинова Бошланғич ташкилот ишчи гуруҳи
4.	Агентликда фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг маънавий интеллектуал, касбий салоҳиятини ва меҳнат фаоллигини ошириш, касбий маҳоратини юксалтириб бориш учун шарт-шaroитларни яратиш ҳамда уларни жамоат ишларида иштирокини таъминлаш.	Хотин-қизларни малакасини ошириш мақсадида Олий таълим муассасаларида, хорижий ўқув муассасаларида ташкил этилаётган киска муддатли ўқув курсларида, шунингдек хорижий ташкилотлар томонидан ташкил этиладиган ўқув семинарларида иштирок этиш учун раҳбариятга тақлиф киритиш.	2021 йил июль-декабрь	Н.Салоҳитдинова Бошланғич ташкилот ишчи гуруҳи Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича Маслаҳат-кенгаши
<b>Бошланғич ташкилот умумий йиғилишларида кўриб чиқиладиган масалалар</b>				
5.	Агентлик хотин-қизлар бошланғич ташкилотининг 2021 йилдаги фаолияти устувор вазибалари тўғрисида.	Умумий йиғилиш ташкил этиш.	2021 йил декабрь	Н.Салоҳитдинова Бошланғич ташкилот ишчи гуруҳи
6.	Агентликда фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш	Масалани чуқур ўрганган ҳолда раҳбариятга тегишли тақлифлар киритиш.	2021 йил июль-декабрь	Н.Салоҳитдинова Бошланғич ташкилот ишчи гуруҳи
7.	Агентликда фаолият кўрсатаётган хотин-қизларни меҳнат қилиш ва дам олишлари учун яратилган шарт-шaroитларни мунтазам ўрганишни ташкил этиш	Зарур ҳолларда Агентлик раҳбариятга тегишли тақлифлар киритиш.	2021 йил июль-декабрь	Н.Салоҳитдинова Бошланғич ташкилот ишчи гуруҳи
8.	Агентликда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар учун давлат муассасаларида уларга бўлган эътибор, муомала маданияти ва ўзаро ҳурмат мавзусида давра суҳбаи	Умумий йиғилиш ва хотин қизлар билан давра суҳбатлари ташкил этиш.	2021 йил давомида	Н.Салоҳитдинова Бошланғич ташкилот ишчи гуруҳи



№	Ўтказиладиган тадбир мазмуни	Амалга ошириш (ташқил этиш) механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
<b>Умумий тадбирлар</b>				
9.	Республика вазирлик ва идораларда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар ўртасида ўтказиладиган спорт тадбирларида иштирок этишни таъминлаш.	Агентлик хотин-қизларини спорт тадбирида тегишли йўналишлар бўйича (бадминтон, стол тенниси, шахмат ва шашка) иштирокини ташкиллаштириш.	2021 йил июль -декабрь	Н.Салохитдинова Қасаба уюшмаси қўмитаси
10.	Иқтидорли, фаол ва ташаббускор хотин-қизларни Агентлик ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллиги муносабати билан тақдирлаш.	Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрамлари, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган тадбирларда кунга бағишланган тадбирларда ўз фаоллиги (номинация асосида) билан алоҳида ажралиб турган хотин-қизларни тақдирлаш.	2021 йил сентябрь-декабрь	Н.Салохитдинова Қасаба уюшмаси қўмитаси
11.	Ёшларни миллий анъаналарга хурмат руҳида тарбиялаш, хотин-қизларнинг маънавиятини ошириш мақсадида "Миллий кадрият ва урф-одатларни сақлашда аёлларнинг ўрни" ҳамда "Агентлик фаолиятида хотин-қизларга бўлган эътибор ва муомала маданияти" мавзусида семинар ўтказиш	Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги Республика "Маҳалла ва оила" илмий-тадқиқот институти билан биргаликда семинарлар ташкиллаштириш.	2021 йил июль-декабрь	Н.Салохитдинова Қасаба уюшмаси қўмитаси
12.	Маданий ҳордиқни ташқил этиш.	Кино-театр ва музейларга боришни ташқил этиш	2021 йил давомида	Н.Салохитдинова Қасаба уюшмаси билан биргаликда
14.	Хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилиш мақсадида барча турдаги спорт мажмуаларининг шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиш.	Сув хавзаларига, спорт залларига абонемент олиб беришни ташкиллаштириш.	2021 йил июль-декабрь	Н.Салохитдинова Қасаба уюшмаси қўмитаси

№	Ўтказиладиган тадбир мазмуни	Амалга ошириш (ташқил этиш) механизми	Ижро муддатлари	Масъул ижрочилар
15.	Хотин кизлар ўртасида "Соғлом турмуш тарзи" акцияси (спорт мусобақалари бадминтон, стол теннис в.к.)ни ташқил этиш.	Тошкент вилояти Бостонлик туманида жойлашган оромгоҳлар спорт майдончаларида жамоа билан биргаликда ташқил этиш.	2021 йил июль-декабрь	Н.Салохитдинова Касаба уюшмаси билан биргаликда
16.	Давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок эгаётган, ўзи фаолият юритаётган соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган, оилага садокати ва фарзанд тарбиясидаги ибрати билан эътирофига сазовор бўлаётган агентлик хотин-қизлари тўғрисида мақолалар чиқариш ва суҳбатлар ўтказиш.	"Биржа" газетасида мақолалар чоп этилиши, давра суҳбатларини ташқиллаштириш.	2021 йил давомида	Н.Салохитдинова М.Ибодов
17.	Агентлик хотин-қизлар бошланғич ташкилоти томонидан ўтказиладиган ҳар бир тадбир – давра суҳбатлари, саёҳат-дам олиш тадбирларини мунтазам равишда Агентлик сайтида, телеграм ва фейсбук каналларида ёритиб бориш	Ўтказилган тадбирлар мазмуни, унинг хотин-қизлар иш фаолияти ва шахсий турмуш тарзига таъсири, шакллантирилган хулосалар ва таклифлар тўғрисида ахборот маълумотини тайёрлаш ва мавжуд алоқа каналлари орқали ёритилишини таъминлаш	Доимий равишда, тадбир ўтказилгандан сўнг 5 кун муддат ичида	Н.Салохитдинова М.Ибодов

(Тажиб)   
(Салохитдинова)   
(Шарофова)   
(Замурова) 